



ЎЗБЕКНИСТОН ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июлда «Иштирокию» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи: 5 сўм

1993 йил 24 апрель, шанба № 74 (21.425)

ЎЗБЕКНИСТОН

ОВОЗИНИНГ

75 ЙИЛЛИГИГА



ЎЗБЕКНИСТОН ВАТАНИМ МЕНАНГ



АБДУСАТТОР ТУРАЕВ.

ҚАЙГА БОРСАМ БОШДА ДЎШПИМ...

Ўзбекистон халқ шoirи Эркин Воҳидов айтганидек, «Қайга борсам бошда дўшпим, роз юрарман гердайиб». Бу сўзлар ҳар бир ўзбекининг қалбига, онига синиб кетган. Зеро, ўзбеки дўшписиз тасаввур этиб бўлмайди. У ҳам-дўстлик мамлакатларига борганда ҳам, бир вақтлар Кремлдаги Съездлар саройида катта анжуманларда қатнашганда ҳам, хоржий юртларга сафар қилганда ҳам қадрдон дўшписини бошидан олмаган.

Қадим-қадимдан гўзал қизлар сафарга кетган ёрларини интизорлик билан кутаётган пайтларида уларга атаб дўшпим тикинган. Ва бу ўша йилгит учун жуда катта совгага айланган. Умуман дўшпим ўзбек халқининг гурури, мустақиллиги белгиси. Шу бос кейинги пайтларда республикамизга ташриф буюрган энг азиз меҳмонларга дўшпим кийдирилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси дўшпига бўлган эҳтиёжини кўпайтириди. Бунинг учун ҳис қилган Тошкентдаги бадий қатъиятлик буюмлари фирмасининг ишчилари дўшпим тайёрлашни тобора кўпайтироқдалар. Бу ерда ҳар қуни минглаб дўшпим тайёрланиб, дўконларга жўнатилмоқда. Моҳир чеварлар халқ анъаналарига содиқ қолиб, дўшпиларини сифатли, кўркам қилиб тайёрлашга ҳаракат қилишаётир. Сиз суратда кўриб турган қўли гул чеварлардан Раъно Мўминова, Манабар Абдуллаева ва Вазира Кароматова-лар халқимизга кўп-кўп маҳсулотлар етказиб бериш ҳади-сини олмишган. Биз уларга қарата дўшпим тиккан қўлингиз дард кўрмасин, деймиз.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси «Ғалаба кўни муносабати билан Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда таъкидланганидек, яна бир неча кундан кейин 1941 — 1945 йиллар урушида фашизм устидан қозонилган улғу ғалабанинг 48 йиллиги нишонланади. Унинг қўлга киритилишига ўзбек халқи, мамлакатимизнинг барча халқлари муносиб ҳисса қўшдилар. Минглаб ўзбекистонликлар жангларда қатнашиб, душманин тор-тор этишда жонбошлик қилдилар. Жуда кўплар қаҳрамонларча халқ бўлдилар ёки ногирон бўлиб қолдилар. Ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар, ёш қари, ҳамма фронтни қурол-яроқ, ўқ-дор, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлашда, Ўзбекистонни Қуролини Кучларнинг қудратли аслахонасига айлантиришда фаол қатнашди. Халқимизнинг душман босиб олган ерларни ташлаб кетишга мажбур бўлган минглаб оилаларга бошпана бериши, топганини улар билан баҳам қўриши, 200 минг нафар етим болаларни бағрига босиб, уларни тарбиялаб вояга етказиши ҳам таъсирли сазовордир. Тарихий ғалаба кўнини байрам қилиш, уруш қатъиятини ва фронт орқасида ғалабани яқинлаштириш учун мардонавор меҳнат қилганларнинг эъзозлаш, қадромдорларинг, жангларда халқ бўлганларнинг хотирасини абадийлаштириш, уларнинг хўрматини жойига қўлиш бизнинг инсоний бурчимиздир. Президентимиз И. А. Каримов бошчилигидаги республикамизга ташриф буюрган энг азиз меҳмонларга дўшпим кийдирилмоқда.

Рақалпоғистон республикаси, вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашига Ғалаба кўни муносабати билан турли оммавий тадбирлар ўтказиш, уруш фахрийларининг хўрматини жойига қўйиши тавсия этилди. Байрам арафасида уруш фахрийларининг учрашувларини ташкил этиш, ногиронлар хойидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам уюштириш, жангларда ҳалок бўлганларнинг қабрларини ва қаҳрамонларга қўйилган ёдгорликларни зиёрат қилиш, зарур бўлганда уларни таъмирлаш каби масалаларга алоҳида эътибор бериш зарурдир. Газета, радио ва телевидениедан ҳам шу мақсадда самарали фойдаланиш лозим. Тадбирларни ўтказишда фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқдир. Сиёсий ижроия қўмита барча партия ташкилотлари ушбу масалага муҳим сиёсий иш сифатида ёндашиб, уни уюштириш билан ўтказадилар, деб ҳисобланади.

ЎЗБЕКНИСТОН ХДП МК МАТБУОТ МАРКАЗИ.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қўйи Чирчиқ тумани кенгашининг пленуми бўлди. Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизбоев қатнашиб, Ўзбекистон Республикаси Президентига,

зифалари ҳақида маъруза қилди. Пленум ташкилий масалаларни ҳам кўриб чиқди. Туман партия кенгашининг биринчи ҳамда иккинчи котиблари: А. Ҳолиқов ва Ш. Сулаймонов бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан ўз вазифаларидан озод қилинди-лар. Ўзбекистон ХДП Қўйи Чирчиқ туман кенгашининг

ЎЗБЕКНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ҲУКУМАТГА ҚАРАШЛИ БЎЛМАГАН «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРАТ ЖАМГАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

Келажак авлоднинг саломатлигини таъминлаш, оналик ва болаларнинг муҳофаза қилиш, болаларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топиш учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида ва меҳнат жамоалари, саноат корхоналари, жамоат ташкилотлари, бир қанча хоржий компаниялар ва фирмаларнинг кўпдан-кўп мурожаатларини эътиборга олиб:

1. Ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро-хайрат жамгармаси ташкил этилсин. 2. Мазкур жамгармани рўйхатдан ўтказиш ва унинг фаолият тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуни билан белгиланади. Жамгарма барча юридик ва жисмоний шахслар, жумладан, хоржий фуқаролар, ташкилотлар, фирмалар ва уюшмалар учун очик деб ҳисоблансин.

Вазирликлар, идоралар, концернлар ва ҳокимликлар «Соғлом авлод учун» жамгармасининг фаолиятига бутун чоралар билан кўмаклашсинлар. Барча вилоят марказларида ва Тошкент шаҳрида жамгарманинг филиаллари ва бўлиналари очиб мақсадга мувофиқ деб топилсин. 3. Қўйидагилар: — туғуруққа ёрдам ва болалар муассасаларининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлашга, янги, самарали даволаш воситалари билан таъминлашга; — жамоатчилик ва давлат тузилмаларининг жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда келажак авлод наслини яхшилашга қаратилган кўч-айратларини мувофиқлаштиришга кенг қўламда кўмаклашиш жамгармасининг асосий вазифалари деб ҳисоблансин. 4. «Соғлом авлод учун» жамгармасининг юксак ижтимоий мақоми ва нуфузи таъминлансин. «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланган ҳолда жамгарма бошқаруви тақдирномаларини ҳам қўйидаги аҳамияти эътиборга олинсин. 5. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичнда «Соғлом авлод учун» жамгармаси фаолиятини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинсин ва жамгарма тўғрисидаги Низомини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 23 апрель.

ЎЗБЕКНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Т. М. МИРЕКУБОВНИ ЎЗБЕКНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ўринбосари ЭТИБ ТАЙИНЛАШ Тўғрисида

Тўқтин Мирзоқоқович Мирёқубов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 23 апрель.

ЎЗБЕКНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ғ. А. АЛИМОВНИ (ШУХРАТ) ЎЗБЕКНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ Тўғрисида

Кўп йиллик самарали фаолияти, ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат ҳаётида фаол қатнашгани учун Ёзувчи Ғулом Аминжонович Алимов (Шухрат) Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёриғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 23 апрель.

«ЖАМИЯТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШДА ХИТОЙ ТАЖРИБАСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ Тўғрисида»ГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ТАБРИКНОМА

Ғоят долзарб муаммога бағишланган Республика илмий конференциясининг қатнашчиларини чин юракдан табриқлайман. Дунёнинг қудратли давлатларидан бири — Хитой Халқ Республикаси хитой халқининг ҳаёс қилса арзийдиган меҳнатсеварлигини, зўр бунёдкорлик имкониятларини ва донишмандлигини амалда намойиш этиб, жамиятнинг пухта ўйлаб, изчил ислоҳ қилиш намунасини кўрсатаётгани диққатга сазовордир.

Хитой раҳбариятининг мамлакат тараққи-ёти энг асосий, устувор йўналишларини аниқ фахрлаб, унинг стратегик мақсадлари ва муҳим муаммоларини пухта таърифлаб бериш маҳорати ҳурматга лойиқдир.

Ўзининг неча минг йиллик кўна маданиятига таянган, фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан фойдаланган Хитой хўз-р иқтисодийни жуда юксак даражада мут-ўтказишни ЮНЕСКО режасига киритиш тўғрисидаги масалани шу йилнинг охиригача белгиланган тартибда ҳал этиш, 1994 йилда шу сана билан боғлиқ бўлган юбилей медални, почта маркаси, эсдаликлар ва матбаа маҳсулотлари чиқарилишини таъминлаш топирилди. Математика, астрономия, физика соҳаларидаги салмоқли илмий натижалар учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг халқаро мукофотини таъсис этиш кўзда тутилди.

Қарорда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигида 1994 йилнинг биринчи ярмида Самарқанд шаҳридаги Ўзбек расадхонасини тиклаш-тузатиш ишларини ҳамда Самарқанд, Бухоро ва Гижувон шаҳарларидаги Ўзбек мадрасаларини таъмирлаш-тиклаш ишларини тугаллаш, шунингдек, Архитекторлар, Рассомлар уюшмалари ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда келгуси йилнинг иккинчи чорагида Ўзбекистон пойтахтида Мирзо Улуғбек ҳайкалинини ўрнатиш топирилди.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси келгуси йилда ўрта асрларнинг буюк олими Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Амир Темурнинг набираси Муҳаммад Тарағай дунёда Мирзо Улуғбек номи билан машҳур бўлиб, астроном ва математик сифатида шухрат қозонди. Унинг астрономия назарий асослари баён этилган ва юлдузлар жадвалини ўз ичига олган «Энци Кўрагоний» асари асрлар давомида энг аниқ жадвал бўлиб келди ва шу кунгача ҳам тадқиқотчилар уни зўр қизиқиш билан ўрганимоқдалар. Самарқанд ҳокими аллома Улуғбек ўз те-варигага замонасининг атоқли олимларини, истеъдодли ёшларни тўплаб, мамлакатда илм-фани ривожлантириш, иқтисодиёт ва маданиятни тараққи эттириш учун қўлай шароит яратиб берди.

Вазирлар Маҳкамаси қабул этган қарорда юбилей тадбирларини тайёрловчи республика ташкилот комитетининг таркиби тасдиқланди. Бу комитетга ўн кун муддатда Мирзо Улуғбек юбилейини тайёрлаш ва ўтказиш тадбирлари режасини ишлаб чиқиш тасдиқлаш топирилди.

Буюк алломанинг 600 йиллигига бағишланган якуловчи тантаналарини Самарқандда 1994 йилнинг сентябрь — октябрьда ўтказиш, унга чет эллардан меҳмонларни таклиф этиш кўзда тутилмоқда. Келгуси йилнинг сентябрида Тошкентда Мирзо Улуғбекга бағишланган халқаро илмий конференция уюштириш белгиланди, унга ҳам хоржий олимлар таклиф этилди.

Ташкилот комитетига Улуғбекнинг 600 йиллигини Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпанияси, таъмирлашнинг ижтимоий ва маданий вазифаларини таъминлаш бўлими ва унинг ахборот агентлигининг бош директори Ҳайитбоев Э. Қ. — маданият ишлари вазирининг бош директори Хидиров Т. П. — Қашқадарё вилоятининг ҳокими Шодиметов Ю. Ш. — Вазирлар Маҳкамасининг бўлим mudiri Шогўломов Р. — давлат матбуот комитетининг раиси Юсуфбеков Н. Р. — Давлат фан ва техника комитетининг раиси Эдгоров Д. С. — Бухоро вилоятининг ҳокими Яҳёев Ш. Ғ. — давлат телевидение ширкати раиси

ЮБИЛЕЙ ТАДБИРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ЎТКАЗИШ РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ ТАРКИБИ

- Муталов А. — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирининг ўринбосари раиси
- Тулагов К. Н. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташкилот комитети раисининг ўринбосари
- Қорабоев М. Қ. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташкилот комитети раисининг ўринбосари
- Абдурахмонов П. М. — Самарқанд вилоятининг ҳокими, ташкилот комитети раисининг ўринбосари
- Ғолимов А. И. — Тошкент шаҳар ҳокими, ташкилот комитети раисининг ўринбосари
- Ўйловшоев Т. С. — Фанлар академияси астрономия институтининг директори, ташкилот комитетининг масъул котиби
- Савдқосимов С. С. —
- Рисқиев Т. Т. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси
- Мурод Муҳаммад Дўст — Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби
- Абдуллаев Ж. А. — олий ва ўрта махсус таълим вазирини
- Аҳмедов А. А. — Фанлар академияси шарқшунослик институтининг бўлим mudiri
- Ашрафий Ф. М. — Ўзбекистон архитекторлар уюшмасининг раиси
- Боқибоев Э. Ж. — молия вазирини
- Жамол Камол — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби
- Раҳимов К. — алоқа ва телекоммуникация вазирини
- Саломиддинов М. С. — Фанлар академиясининг президенти
- Салимов О. У. — Улуғбек жамгармасининг раиси
- Сафоев С. С. — ташқи ишлар вазирини
- Хазраткулов М. — миллий ахборот агентлигининг бош директори
- Ҳайитбоев Э. Қ. — маданият ишлари вазирини
- Хидиров Т. П. — Қашқадарё вилоятининг ҳокими
- Шодиметов Ю. Ш. — Вазирлар Маҳкамасининг бўлим mudiri
- Шогўломов Р. — давлат матбуот комитетининг раиси
- Юсуфбеков Н. Р. — Давлат фан ва техника комитетининг раиси
- Эдгоров Д. С. — Бухоро вилоятининг ҳокими
- Яҳёев Ш. Ғ. — давлат телевидение ширкати раиси

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Бир сурат тарихи

ЖАМОАТЧИ МУХБИРЛАРНИНГ БИРИНЧИ ҚУРУЛТОЙИ

Илгирманчи йилларда миллий журналистиканимиз олдида кундалан турган долзарб муаммолардан бири омма билан мустахкам алоқа ўрнатилиши, жамоатчиликнинг илгор намоёндаларини матбуотга фаол жалб қилиши эди...



жумҳуриятда мухбирлар ҳаракатининг аҳоли ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида маълум қилишди. «Қизил Ўзбекистон» таҳририяти қурултоғида бағишлаб фото суратлардан иборат махсус эскилик альбомини нашр этди.

1925 йилда «Қизил Ўзбекистон» газетаси таҳририяти «Ишчи-батрак матбуоти» номида махсус илова ҳам нашр қилишга киришди. Бу иловада жамоатчи мухбирларнинг «Қизил Ўзбекистон» саҳифаларига сиғмай қолган хат-хабарлари чоп этилган.

СВРАТДА: пастдан юқорига, биринчи қаторда: (чапдан ўнгга) Вали Ихломов, Комилжон Алимов, Муҳаммад Хасанов, иккинчи қаторда: Қосим Иброҳимович Сорокин, Акмал Икромов (туртунчи), Зиё Саид (олтинчи), учинчи қаторда: Абдусалом Ниёзов (иккинчи), Комит Алнев (бешинчи).

Қўшма мажлис қарори

Анджон вилоят ҳокимлиги билан ХДП вилоят кенгашининг қўшма мажлиси бўлди. Унда «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 75 йиллик юбилейига тайёргарлик масаласи кўриди. Бу ҳақда вилоят ҳокими ўринбосари Назаржон Саидов, ХДП вилоят кенгаши иккинчи котиби Бўдодов Собиржоннинг ахбороти тингланди.

Қизилтепа райониде «Ўзбекистон овози»нинг севиб ўқиниши. Бу ерда газета муштарийлари сонин миңдан ошди. Яқинда Қизилтепада «Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллик юбилейига бағишлаб волейбол бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

ГАЗЕТА ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНДИ

келган 9 та команда иштирок этди. Қарийб тўрт кун давом этган қизгин беллашувларда Қизилтепа районининг «Йўлчи» жамоаси волейболчилари биринчи, Навоий политехника олийгоҳининг «Инверситет» командаси иккинчи, «Бўстон» давлат хўжалигининг «Тошра-

ГАЗЕТА ТАХЛАМЛАРИНИ ВАРАҚЛАГАНДА...

МИЛЛИОНЕРЛАР САЎБИНИ ТОЗАЛАШ ВАҚТИ КЕЛДИ
Эски Бухоро. [Махсус мухбиримиздан тегарамиз]. Шу кунларда шаҳар миллиционерлари сафига бир қанча ўт унсурлар борлиги маълум бўлаётди. Оқруқ маъмурияти ва

верган. Миллиционерлар ўртасида ҳарбий тайёргарлик ва интизом жуда заиф. Шу сабабдан улар қўлларидеги қуролларни ҳам олдириб қўйишмоқда.
Шаҳарда фоҳишабозлик ишлари билан курашиш ишлари ҳам суст. Ҳозирда агротрейдер раҳбарлигида чигирткага қарши захарли дори сепилди.

ИККИ МИЛЛИОН ЖУФТ КАЛИШ ВА КОВУШ

Тошкент шаҳри. «Ўзбекбирлашуви» киш учун 4 миллион 600 миң жуфт калмиш олдириди. 400 миң жуфт қовуш йўлда келайтир. Шундан 118 миң жуфти узоқ раионаларга юбориш учун мўлжалланяпти.
«Қизил Ўзбекистон» 1929 йил 3 июль.
Нашрга тайёрловчилар. А. НАБИХУЖАЕВ, Ю. ЗИЁДОВ.

Кўклам ташвишлари

МЕВАЛИ ДАРАХТ—ФЙДАДАН ДАРАК

Юртимизда баҳор нафаси уфғурғач кўкламги дала юмушлари қизгин бошлаб юборилди. Мана шу кунларда дехқону қорвадор, соҳибқору сабзавоткорнинг қўли-қўлига тежани янғ. Бири урғу экса, бошқаси қорва билан банд, яна бири кўчат ўтқазмоқда.

Муштарий мулоҳазаси узидан

Тўра бобо мени ўзи томон иллади.
— Ҳой, неварам, бери келсанг, икковимиз бир масала талашсак (муҳокама қилсак, демоқчи), — деди.
— Майли, — деб ёнига ўтирдим. Тўра бобо гапни давом эттирди.
— Жарқўрғондан Термизга бордим — деди у хўрениб. Жарқўрғонда кўп тўладим. Жарқўрғондан Қўм қўрғон шаҳрига бордим. Юз саксон сўм тўладим. Ҳар ик-

ТўРА БОБО НЕГА ХУНОБО?

қовнинг йўли деярли бир хил. Лекин қири ҳақи фарқи кўриб турибсан, осмон билан ерчалик. Масала — шу. Энди, неварам, мухбир бўлсанг шунга тўшунтириб бер.
— Энди бобо, ўша автобуснинг эгалари қатновларни «шаҳар тевариги» ва «шаҳарлар» деб иккига ажратиб қўйибди. Бу иборалар улар русчага «пригородный», «междугородний» деб аташди. Ўзи эллик чақиримга етган қатнов «пригородный», эллик километр ва ундан узоқ қатнов «междугородний» эмис. Сиз айтган масала, эҳтимолки, шу фарқданди.
— Катновни бул тартибда иккига ажратиб қирига зарил экан энди? — деб лўқма ташлади бобо.
— Йўловчи «пригородний» деган қатновнинг ҳар бир қақиримига 0,68 тийин тўласа, «междугородний» деганига 3 сўм 40 тийин тў-

Сиз нима дейсиз?

ҚАССОБНИНГ НАЙРАНГИ

Янвэрнинг ўрталари эди. Поитехниканинг Олой бозори гўшт расалари ёнида қарийб тўрт соатга кузатдим. Расалар пештоқига «Мол гўшти — 130 сўм» деб ёзиб қўйилган. Юзлаб одамлар гўшт учун тирбанд навбат кутиляпти. Гўшт чопувчи шовоқ лаҳмини бир ёнга, сув-саёқни сотувчи ёнига ташлаб турибди. Олтмишларга қирган бир аёл барзанги қассоб йиғинини тортган гўштиндан норози бўлиб, яхшиликча «болом кўрук сўж бўлдику, ороқ гўшт ҳам қўшин-да» дейиши биланқотувчи: «ҳой кампир, ёқмас мана пилингиз, ана кўй гўштиндан олинг», деб жержиб пулли кампирнинг юзига отиб юборди. Орадан 2-3 дақиқа ўтганда ҳамки, кўринишдан бойваччага ўхшаш бир аёл келиб менга 5-6 кило дурутстрок еридан берсангиз, деб мурожаат қилди.
— Баҳоси сал қимматроқ бўлади-да.
— Қанча бўлади, майли олаверман.
— Килоси 350 сўмдан.
Мана сизга бу қассобдаги қиёфа, ҳар килограмми гўшдан 220 сўм соф фойда. У дод дедмай, 130 сўмга кўрук сўж олаётган харидор ер тепсинки! Хўш бу қассобларни кўпнинг фисқи тешиб чиқмайди, ахир бева беморларнинг ҳақидан қўрқинмайдики улар? Бу ноинсофликларнинг чеки борми ўзи?
Муродим ЯХШИЛИКОВ, III тоғфа ноғирони, Тошкент вилояти.

ВОҒЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ШАРҲЛАР

ЎЗБЕК ГЕНЕРАЛИ НОМИДА КҶЧА

Марказий Осиёдаги ягона юридик институтини аъло баҳолар билан битириб, милицияга бутун умрини бағишда этган генерал Ҳайдулла Каримович Саидов хотира-сига унинг номи абадийлаштирилгандан ҳамкасблари, ёру дўстлари бағоят миннатдор бўлдлар.
У узоқ йиллар Ўзбекистон ички ишлар вазирлигининг ўринбосари, Тошкент вилоят ички ишлар бошқармаси бошлигининг биринчи муовини вазидаларида ишлаган эди.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, генерал-майор Ҳайдулла Саидов номи Тошкентнинг Яққасарой районидаги 176-ўрта мактабга берилди. Она-Ватан фидойи инсонларни унутмайди.

З. МУҲАММАДЖОНОВ, ХУҚУҚШУНОС.

МУКОФОТГА — 250 МИНГ СЎМ

Хўжабод районидеги М. Мадиев номида деҳқончилик саноати комбинати ишчилари ўтган йили давлатга 4400 тонна мева тошириб, йиллик режани ошириб удалашанди. Яқинда бу ерда ҳисобот мажлиси бўлиб, йил-

МАҲАЛЛАМ — ВАТАНИМ ДЕРМАН... ИБРАТЛИ ИШЛАР

Республикамиз Президентини И. Каримовнинг маҳалла кўмиталарининг фаолиятини кучайтириш тўғрисидаги фармони Сирдарё туманидаги Калинин қишлоқ Кенгаши ҳудудидаги Ҳақиқат маҳалла кўмитаси аъзоларини янада фаол ишлашга даъват этди. Маҳалла фаоллари, халқ ноиблари ва уруш ҳамда меҳнат фахрийлари билан махсуслашган иш юритиб, аҳоли фаровонлигини ошириш, турмуш шароитини яхшилаш борасида қатор ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.
Маҳалла кўмитасига кенга педагог, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси Тўлаш ака Тўхтаев

Сихат-саломатлигиниз қандай? ШИФОСИ ЎЗГАЧА

Янгийўл районининг Нов посёлкасига яқин жойда К. Примқолов номи асаб ва юрак хасталиклари санаторийси жойлашган. Унга ташриф бўйурган кишининг бахри дили очилади.
Тошкент шаҳридан қарийб йигирма километр орасидаги ўн тўрт гектарлик бог-роғларга бурканган бу шифо масканининг хёбонлари бўйлаб юракансиз, тоза ва мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оласиз.
Санаторийнинг хушманзара ҳавоси танга бекис қувват бағишлайди. Она кучиндан отилиб чиқаётган минерал иссиқ сув бу ерда даво истаб келганларга малҳам бўлмоқда.
— Э, атанг шу пайтгача билмаган эканмиз, — дейди даволанувчилардан бири, Бўка районидеги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги раиси Ваҳоб Мирзақуллов. — Олдиндан оқдан сувнинг қадри йўқ, деб шунга айтсалар керак. Санаторийнинг зўри ўзимизда экан-ку...
Дарвоқе, бу санаторийга бир келган киши қатта сафҳаражат қилиб, Қрим-у Қаказга, Труцқацеву Сесентукига қориб юрмайдди. Унинг шифоси ўзгача!
Мазкур санаторийнинг довурын эшитиб, шифо истаб келайтган беморлар, дам олувчилар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда.
Чиндан ҳам тоза инчимлик сув ва минерал ванна, физиотерапия усулларидан фойдаланиш шифолаб қишиларнинг қандли диабет, юрак асаб, оғиқозон-ичак ва бўғин оғриғи хасталикларини даволашда яхши самара бериляпти. Профессор Рихисбой Пулатов ва бошқа малакали мутахассислар вақти-вақти билан санаторийга келиб, дам олувчиларга қимматли маслаҳатлар бериб туришади.
Магнитологлар ассоциациясининг муювофиқлаштирувчи кенгаши аъзоси, Тошкент врачлар малякасини ошириш институтини профессор, марҳум М. Мирзахмедов раҳбарлигида санаторийда магнит биология ва магнитотерапия воситасида юрак-асаб, минерал сув билан қанд диабети, жигар, ўт пуфағи, буярқ хасталиқларига чалинган беморларни даволаш учун узоқ кузатиш ишлари олдидан борилган эди. Бу кутланилган ҳам эида инжобий натижалар берди.

СИЗ СЕВГАН САЊЪАТКОР

ЎГИТ

Безан шундай бўлади. Нимедир хаблнинг батамом банд этадию, ўша нарсанинг тагга етмагунча тинчмелмайсан.



СУРАТДА: Таваккал Қодиров (ўнгда) Малик Қайумов билан.

Таваккал ҚОДИРОВ:

«ТИЛАГИМ БЎЛДИ МУЯССАР»

«ТИЛАБ ОЛГАН БОЛАМ»

Оддий бир чойхоначи, Мулла Қодир ўғлининг санъаткор бўлишига каттиқ қарши эди. 20-йилларда «ногорачи» деган гап бўларди. Уйма-ўй юриб, ногора чалиб, тиланчилик қилишарди улар. Шунданми, одамлар болеларига ногора ушлатгани кўйишмасди.

истиҳола қилишарди. Олдинки саккиз фарзанд бир-икки йил яшаб-яшмай эрга қўйилаверган, ҳамсоғлар ҳам янги меҳмонни қўлга олишди...

«ЎҒЛИМГА БИР ФОТИҲА БЕРИНГ»

Мулла Қодир ўғлини санъат йўлидан қайтар олмади. Қўниқди. Қўниқ уш уқда турсин, ҳатто...

Комилжон акадаги дадиллик менга ҳам кўчди. «Кўйинг қўйлагинизни, бизникига борамиз, меҳмонини бўласиз», дедим. Комилжон Отаниёвдек машҳур кўшиқчи йўқ демасди. Мендек бир ўспириннинг галини икки қилмай уйимизга келди...

КАМ ЭМАС, КИМ!

Ушунга Таваккал ака вилоят филармониясининг раҳбари эди. Шу мароманинг раҳбари эди. Шу мароманинг раҳбари эди...

шаҳарлар ва вилоятларда бўлди. 1963 йилда тўрта қўшиғи ёзилган биринчи пластинкаси чиқди. У Мискин, Эркин Воҳидов, Нақший, Охунжон Ҳакимов ғазалларини ижро этганди.

ЎЗБЕКИСТОН БУЛБУЛИ

Юрт отаси Шароф Рашидов Таваккал Қодировга ана шундай баҳо берган эди. Бу тўрифнинг ўз тарихи бор. Қурултойда ҳамма қатори Таваккалга битта қўшиқ айтиш умун навбат берилди.

кетди. Йўлакчалар очилиб, нураб ётган сағаналар тикланди. Она қабрига элтувчи йўлакчанинг икки четига узум қўчатлари экилди. Қабристоннинг ташландиқ этаги боғга айлантирилди. Ҳамқишлоқлари Ўтибибинич тилаб олган фарзанди ҳаққи-га дуо қила бошладилар.

Ўзбекистон овози ХАРЧИНОМА

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА! «ВОСТОК» ФИРМАСИ:

- 1. КАЗС контейнерли автозаправка блокони ИШ-ЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛАДИ. У автомобилларга бензин ва дизель ёқилғиси қу-йишга мўлжалланган. Сигнининг ҳажми 8 кубо-метр, габарит ўлчовли КР-50 калонкаси, узунлиги 4160, кенглиги 2000, баландлиги 2900 миллиметр.

Тошкент шаҳар ўрта мах-сус Миллият мактаби томо-нидан 1987 йил 28 августда Алижон Буривев Пайғомов номига берилган КТ 636717 рақамли диплом йўқолганли-ги сабабли ҳақиқий деб ХИСОВЛАНМАЙДИ

ФАРЗАНДЛАР ҚУТЛОВИ

Падарибизуқуворимиз Олдин ота ва волидан муҳтарам-амиз Амнорона ома СИНДРОВларнинг табарруқ ёшлари билан чин қўлибиздан табриқлаймиз. Отамиз 60, онамиз 50 ёшга тўғдилар. Улар умр бўйи ҳалол меҳнат қили-б билан бир қаторда биз, ўн фарзандни воёга етказдилар.



ЭЪЛОН ҲАҚИДА ЭЪЛОН

Ҳурматли газетхонлар! «Ўзбекистон овози» газетаси орқали Сиз табарруқ ёшдаги ота-онангизни, ёр-дўст ва биродарларингизни табриқлашингиз, эзгу-истакларингизни билдиришингиз мумкин.

ГАЗЕТАНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАГИ ЯНГИ МУХБИРИ ИШ БОШЛАДИ

Шавкат ИСРОИЛОВ журналистлар водий-сига ўз овози билан қилиб келган нисба-тан ёш авлод вақиларидан. У Москва Дав-лат дорифундуинини битирган, меҳнат фа-лотиятини «Совет Ўзбекистони»да бошлади.



Шавкат ИСРОИЛОВ, «Ўзбекистон овози»га янги мухбири бўлиб қўйилди.

ҚАЙТАР ДУНЁ, ДЕЙДИЛАР

Онаси бандалик қилганида Таваккал отасига бир қўйиқ пул тўтказди. — Онам ётган қабристонини гу-листон қиламиз, ота — деди у тас-кин бериб.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14. Иجتимоий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35. Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ

Андижонда — 4-48-85; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Қаршида — 3-25-79; Навбатчи муҳаррир: З. ҲАЙДАРОВ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Иж-тимоий таъминот вазирлиги жумхурият миёнадаги шахсий пенсияер

РАСУЛ ҒУЛОМОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзо-ларига ва яқинларига чуқур таъзия низоҳор қилади.

ВАЛИ ҲАЙДАРОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзо-ларига ва яқинларига чуқур таъзия низоҳор қилади.